

ГЕГЕЛЬ ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-540-547>

Саитмуродов Жобиржон Боймурод ўғли

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ижтимоий фанлар факультети “Фалсафа ва мантик” кафедраси

таянч докторанти

Телефон рақами: 94 341 03 93

e-mail: jobir_gdu@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада, немис классик фалсафасининг ёрқин намоёндаси сифатида эътироф этиладиган, Г.В.Ф.Гегелнинг фуқаролик жамияти тўғрисидаги қараишлари ўрин олган. Бизга маълумки, Гегель ўзи яшаган ва ундан кейинги давр учун катта таъсир кўрсатган, фалсафий таълимоти яратди. Унинг бу объектив идеалистик таълимоти биринчи навбатда, немис жамияти ва унинг тараққиёти учун хизмат қилиши керак эди дейишимиз мумкин. Гегелга кўра, фуқаролик жамияти объектив руҳ ўзини намоён қиладиган энг юқори босқичлардан биридир. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири, ўзида алоҳидалик ва умумийлик ўртасидаги уйғунликни кўрсатувчи ҳодиса эканлигидир. Инсонларнинг фуқаролик жамиятига бирлашувидан биринчи қадам оиланинг пайдо бўлиши билан белгиланади. Оиланинг пайдо бўлиши, инсонлар орасидаги зиддиятлар асосида кечса, оилалар орасидаги қарама-қаршиликлар фуқаролик жамиятининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнайди.

Калит сўзлар: Фуқаролик жамияти, давлат, эҳтиёжлар тизими, одил судлов, полиция, корпорация, бўлинганлик, алоҳидалик, умумийлик.

АННОТАЦИЯ

В этой статье представлены взгляды Г.В.Ф.Гегеля на гражданское общество, признанные ярким образцом немецкой классической философии. Мы знаем, что Гегель создал философское учение, в котором жил и имел большое влияние на последующий период. Можно сказать, что это его объективное идеалистическое учение должно было служить прежде всего немецкому обществу и его развитию. По Гегелю, гражданское общество есть одна из высших стадий, на которой проявляется объективный дух. Также одной из

характеристик гражданского общества является то, что это явление, демонстрирующее гармонию между индивидуальностью и общностью. Первым шагом в объединении людей в гражданское общество является появление семьи. В то время как возникновение семьи основано на конфликтах между людьми, конфликты между семьями играют важную роль в возникновении гражданского общества.

Ключевые слова: Гражданское общество, государство, потребности, правосудие, полиция, корпорация, разделение, разделение, общность.

ABSTRACT

This article features W.F.G. Hegel's views on civil society, which are recognized as a shining example of German classical philosophy. We know that Hegel created a philosophical doctrine in which he lived and had a great influence for the period that followed. We can say that this objective idealist doctrine of his should have served, first and foremost, German society and its development. According to Hegel, civil society is one of the highest stages in which the objective spirit manifests itself. Also, one of the characteristics of civil society is that it is a phenomenon that demonstrates the harmony between individuality and commonality. The first step in bringing people together in civil society is marked by the emergence of the family. While the emergence of the family is based on conflicts between people, the conflicts between families play an important role in the emergence of civil society.

Keywords: Civic community, state, the system of wants, justice, police, corporation, division, separation, commonality.

КИРИШ

Глобаллашган XXI асрда ҳам, дунёдаги кўплаб халқлар ва давлатлар илгари сураётган долзарб ғоялардан бири фуқаролик жамиятини барпо қилиш десак, адашмаган бўламиз. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ бошқа ривожланган давлатлар сингари фуқаролик жамияти барпо этишни ўзининг асосий тамойилларидан бири сифатида эълон қилган эди. Ўтмишда ушбу ғоя билан боғлиқ қарашлар, XVIII-XIX асрлардан бошлаб инглиз, француз, немис файласуфлари томонидан илгари сурила бошланган. Айниқса, тарқоқ ҳаёт кечирувчи немис дунёсида, фуқаролик жамиятини яратиш ғояси В.Ф.Гегель томонидан илгари сурилдики, у жамият тараққиётини белгилашдаги муҳим омиллардан эди.

Бизга маълумки, Гегель фалсафий объектив идеалистик таълимотида рух тушунчаси муҳим ўрин тутди. Дастлаб тушунча, кейин табиат ҳолатида бўлган

дунёвий рух ёки мутлақ ғоя ўзини рух сифатида англаб етади. Рух эса, ўзини субъектив рух, объектив рух ва мутлақ рух босқичларида тўла намоён этади. Гегелдаги мутлақ рухнинг акс этиши кўпроқ объектив рух фаолияти билан боғлиқдир. Тўғрироғи оила, фуқаролик жамияти ва давлатнинг воқеликдаги ҳаракати ёки фаолияти мутлақ рухни ўзида акс эттиради дейишимиз мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, Гегель учун фуқаролик жамияти ўзига хос инсонлар уюшмаси бўлиб, унда улар бахтли ҳаёт кечириши акс этганлигини кўрамыз. Яъни Гегелнинг фуқаролик жамияти ғояси тараққий топган жамият моделидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Гегель ўзининг “Ҳуқуқ фалсафаси” асарида, оилага фуқаролик жамияти ва давлатнинг ташкил топишида биринчи босқич сифатида қараб, унинг ташкил топиши, ривожланишига катта аҳамият қаратган ва оиланинг фуқаролик жамиятига ўтишини қуйидагича асослашга ҳаракат қилади. “Оила табиий йўл билан ва моҳиятан алоҳидалик тамойили орқали бир қанча оилаларга бўлинади, улар кейинчалик мустақил конкрет шахслар сифатида мавжуд бўлади”[1;153]. Бу билан оила ҳам жамиятдаги шахс принципи каби кўплаб, оилаларга бўлинади ва ўзларининг мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадир. Шу боисдан алоҳида бўлинган оилалар шахслар сингари бир-бирлари билан ташқи муносабатда бўлади.

Гегелга кўра, айнан алоҳидалик ахлоқийликнинг соф ғоясини намоён этади. Энди у ўзини реал ҳаётга сингдириши учун “ахлоқийликнинг” ўзи ўз тушунчаси қобиғидан чиқиши керак. Фахриддин Мухитдинов ўзининг “Ҳуқуқ фалсафаси” китобида ахлоқийликнинг бу босқичини, Гегель дифференциация босқичи деб атаганини ёзади. Шундай қилиб алоҳида оилаларга бўлинган, лекин ўз эҳтиёж ва манфаатлар бирлигига эга бўлган оилалар фуқаролик жамияти босқичига етиб келади.

Гегель учун “Фуқаролик жамияти оила ва давлат ўртасидаги оралик бўлган фарқ соҳасидир” [3;154]. Бу фикрлар орқали бизда давлат фуқаролик жамияти қурилгандан сўнг пайдо бўлади деган қарашни пайдо қилиши мумкин, лекин ундай эмас, файласуф давлат қурилишини фуқаролик жамиятидан олдин мавжуд бўлганини эслатиб ўтган. Шунингдек, Гегелдаги фуқаролик жамияти “бўлинганлик” тушунчаси билан ҳам ифодаланиб, бу унинг оила ва давлат орасидалигини ифодалайди. Гегелга кўра, фуқаролик жамияти бўлинганлик ҳолатининг икки муҳим жиҳати бор. Биринчи жиҳати шуки, бу аниқ шахс ва

ундаги эҳтиёжларнинг мавжудлиги, уни қондирилиш зарурати, иккинчи жиҳат эса, умумийликдир. Яъни шахс ўз эҳтиёжларига эга экан уни бошқа шахслар орқали қондириши керак. Бу ерда шахснинг жамиятга муҳтож эканлиги акс этмоқда.

НАТИЖАЛАР

Биламизки, фуқаролик жамиятининг вужудга келиши ва тараккий этиши давлат билан боғлиқ ҳолда кечади. Яъни у давлат маконида пайдо бўлади. Гегель алоҳида оилалар бирлигидан ташкил топган фуқаролик жамияти ғоясини давлатдан фарқли ҳолатини қуйидагича келтиради: “Давлат ягоналик принципига асосланган, умумийликни ифода этса, фуқаролик жамияти эса ягона шахснинг умумийлик тушунчасига нисбатан эркинлигини акс эттиради” [4;77]. Лекин бу эркинлик нисбий эканлигини эслатиб ўтиш жоиз, чунки шахс ўз мақсадларига эришишида бошқаларнинг иштироки ҳам зарурият ҳисобланади.

Шу ўринда Алан Паттеннинг Гегелдаги фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги, фарқ масаласига ёндашувини эслаб ўтиш жоиздир. У фуқаролик жамиятини хусусий бўлган соҳага, давлатни эса умумий мақсад сифатида таърифлаган. Шунингдек, у фуқаролик жамияти механизмини бозор иқтисодиётига ўхшатади, унга кўра фуқаролик жамиятидаги ҳар бир шахс, ўз эҳтиёжлари ва истакларини қондириш орқали бошқаларнинг ҳам эҳтиёжларига ҳам хизмат қилишини айтиб ўтади. Бу худди Адам Смитнинг “Кўринмас қўл” таълимотидаги одамлар ўзлари учун фойда олишни истасалар бошқаларга ҳам фойда беришга мажбур бўлишини ёдимизга солади.

МУҲОКАМА

Гегелнинг фуқаролик жамияти ўзини а) эҳтиёжлар тизими; б) одил судлов тизими; полиция ва корпорация тарзида ўзини тўлиқ намоён этиб, давлат босқичига кўтарилади. Файласуф эҳтиёжлар тизими ҳақида гапирар экан, истемол ва унинг хусусиятлари, меҳнат ва иқтидор, мулк ва табақаланиш каби бугунги кунда ҳам долзарб бўлган тушунчаларга ўз ёндашувини билдириб ўтади. Истемол нуқтаи назаридан олганда унинг предметини инсон ташкил этиб, унда эҳтиёжлар муҳим ҳисобланади. Инсонни эҳтиёжлар нуқтаи назаридан таҳлил этар экан, уни хирсга берилган ҳолда ўз эҳтиёжларини амалга оширувчи мавжудод, ҳамда ўз ҳаркатларининг чегарасини жиловлаб тура оладиган мавжудодга ажратади. Гегелга кўра, ақл уни эҳтиёжларини меъёрга

солувчи тушунча сифатида ифодаланиб инсоннинг маданийлашганини билдиради.

“Истеъмол тизими Гегелга мувофиқ, бевосита меҳнат ва унинг характериға боғлиқдир” [5;84]. Ҳақиқатда, меҳнатга оид муносабатлар инсонга мавжуд ҳаётини неъматларнинг аҳамияти ва қадрини кўрсатиб беради. Ҳар доим ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар орқали инсонларни мулк тўплашга бўлган ҳаракатлари меҳнатда ўз ифодасини топган. Гегель ҳам инсонларнинг меҳнат қилиши, мулк тўплаши тарафдори ҳисобланади. Ҳаттоки, у инсонлар ўртасидаги “тенглик” тушунчасини ёқламайди. Бир қарашда, Гегелнинг бу позицияси ғайриоддий кўринсада, лекин табиий ва ижтимоий қонуниятлар орқали “тенглик” бўлиши мумкин эмаслигини исботлайди. Яъни бази бир алоҳида иқтидор эгалари ёки мулк эгаларини бошқа бундай хусусиятга эга бўлмаганлар билан тенглаштириш на маданий, на ҳуқуқий меъёрларга тўғри келмайди, дейди. Бу билан файласуф тўла маънода юқори табақа вакиллари томонида эмас, балки у алоҳидалик ва умумийлик категорияларининг ўзаро диалектик алоқасидан келиб чиқмоқда. Ҳар қандай иқтидор ёки мулк эгаси ҳам ўз эҳтиёжларини умумийлик орқали қондиради ва бу бошқалар учун ҳам имконият сифатида талқин қилинади.

Шу билан бир қаторда, шахслар ўз эҳтиёжларини қондираётган экан, бу субъектларaro ижобий ёки салбий муносабатларни келтириб чиқаради. Гегелга кўра, бундай муносабатларнинг ечими қонунга кўра иш олиб борувчи одил судлов тизимига боғлиқдир. Биламизки, суд тизими амалдаги қонунчилик тизими ва ҳуқуқ меъёрларининг бажарилиши устидан назоратни ўрнатади. Асосан ҳуқуққа қарши қаратилган ҳаракатлар билан шуғулланади. Гегелнинг бу борада илгари сурган ғоялари нафақат ўз даври учун, балки глобаллашган бугунги замон учун ҳам аҳамиятлидир.

“Қонунларга бўйсунишда одамлар ўзларининг эркинликларига эга эканлигини билишади, чунки улар оқилонадир” [6; 66]. Гегель фуқаролик жамиятининг қарор топишида фуқароларнинг тафаккурини, ҳуқуқий онгини ўстиришни юқори баҳолайди. Шунингдек, ҳуқуқий билимларнинг бутун халқ томонидан тушунилиши, улар орасидаги кўплаб зиддиятларнинг олдини олишга хизмат қилишини таъкидлади.

Гегелга кўра, “ҳуқуқни батафсил биладиган ҳуқуқшунослар кўпинча, уни ўзларининг монополияси сифатида кўришади” [7; 173]. Бу давлат ва жамият ривожига хизмат қилмайди, балки фуқароларни ҳуқуқий меъёрлардан узиб қўяди ва кўплаб ижтимоий зиддиятларни келтириб чиқаради. Агарда, ҳуқуқ

воқеликка қонун шаклида ўзини намоён этса, барча тасодифий тўқнашувлар, шахсий манфаатлар асосида пайдо бўлган зиддиятлар, қасос туйғуси, ҳаттоки ҳуқуқий меъёрларни назар писанд қилмайдиган раҳм-шафқат каби инсоний туйғулар ҳам йўқолишини таъкидлайди.

Шунингдек, Гегель фуқаролик жамияти учун энг аҳамиятли учинчи омил сифатида полиция ва корпорация эканлигини эътироф этади. Унингча, фуқаролик жамиятидан давлатга ўтиш шундан бошланади.

Полиция – фуқаролик жамиятининг мазмунида мавжуд бўлиб, хусусий мулк ва умумийликнинг тартиби ва қўриқлаш учун зарур тарзда ифодаланади. Бизнингча, адолатни таъминлаш мақсадида Гегелдаги полиция тизими ҳозирги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сирасига киради. Лекин унинг фуқаролик жамиятининг давлатга ўтиш босқичида мавжудлиги биров тушунарсиз ҳолат. Бунга бошқа тадқиқотчиларнинг ҳам ёндашуви шундай – “Гегель адолат ва полицияни, биз оддий тилда айтганда, давлатга эмас, балки фуқаролик жамияти соҳасига юклаган” [8; 183]. Шунингдек, Гегель полиция назоратини шахс таъминоти ва ундаги хоҳиш-истакларни амалга оширишнинг умумий имконияти ўртасидаги аралашувига қаратилганини эслатиб, унинг кўп қиррали функцияларини санайди. Буларга кўчаларни ёритиш, кўприклар қуриш, солиққа тортиш, инсонлар саломатлиги каби кенг соҳаларни киритади. Агар шу кенг соҳалар нуқтаи назаридан фикр юритсак, полиция фуқаролик жамияти аъзоларини ҳам назоратга олади, ҳам уларга ғамхўрлик қилади деган хулоса келиб чиқади.

Гегель томонидан фаолияти оқилона тарзда баҳоланган полиция, корпорациялар фаолияти учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. “Корпорация ўзининг мутлақ табиатига кўра яширин жамият эмаслиги” [9; 194], балки шахслараро савдони ижтимоийлаштириш эканлиги файласуф томонидан эътироф этилади. Фуқаролик жамиятининг асосида оила турса, унинг кейинги тараққиёти ва унинг давлат билан алоқадорлигини корпорациялар таъминлаши келтириб ўтилган.

Гегелдаги корпорацияларнинг ижобий томони шахслардаги алоҳида иқтидор ва касб эгаларини ўзида бирлаштиради ва уларнинг моддий фаровонлигини таъминлашга хизмат қилса, унинг салбий томони эса, корпорациялар нафақат бир давлат ҳудудида фаолият қилиши балки, эҳтиёжларини қондириши нуқтаи назаридан мустамлакачилик сиёсатини ёқлайди. Шу ўринда айтиш зарурки, Гегелдаги корпорациялар фаолияти давлат томонидан назоратга олинади. Бугунги кун назаридан, Гегел илгари сурган

корпорациялар фаолияти халқаро ҳуқуқ нормалари ва умуминсоний қадриятларга мувофиқ эмас. Лекин унинг давлат ичидаги жамият ҳаётини яхшилашга оид фаолияти эътиборга лойиқдир.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Гегель илгари сурган фуқаролик жамияти ғояси ўзини тўлиқ намоён этишида эҳтиёжлар тизими, одил судлов тизими кейин эса уларнинг инкори сифатида полиция ва корпорация деб номланувчи босқичларни босиб ўтади. Ҳар бир босқич ўзининг такрорланмас хусусиятига эга бўлиб, бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган дейиш мумкин. Масалан, фуқаролик жамиятининг биринчи босқичи бўлган эҳтиёжлар тизими ўзида меъёр тушунчаси билан ифодаланади, яъни истеъмолчиларнинг хоҳиш иродаси ақлга асосланиши ва бошқаларнинг эҳтиёжларини ҳам ҳурмат қилиши, шунингдек, ҳар қандай эҳтиёжларнинг меҳнат ёрдамида қондирилиши, шахслардаги меҳнатга бўлган муносабатнинг улуғланиши, ўз меҳнатларининг маҳсули бўлган натижани тўплашга имконият берилиши, яъни мулкдор бўлишга хайрихоҳлиги бугунги кун нуқтаи назари билан ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Одил судлов тизимининг мавжудлиги бевосита қонуннинг устуворлигидан дарак беради. Шунингдек, Гегель фуқаролик жамияти аъзоларининг ҳуқуқий онги юксак бўлишлиги тарафдори ҳисобланади. Унинг фикрича, ҳуқуқий онг фуқароларнинг полицияга боғлиқлигини нормал ҳолатда сақлаб туради. Фуқароларнинг бир-бирига нисбатан муносабатларининг ижобий ҳолатда бўлиши, уларда ўз эҳтиёжларини эмин эркин қондириши, ўз иқтидори ва касб-корига қараб, корпорацияларга бирлашувига туртки беради. Корпорациялар файласуф томонидан савдонинг ижтимоийлашувини билдириб, унинг мавжудлиги фуқаролик жамиятининг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан фаровон бўлишини таъминлаб беради дейишимиз мумкин. Шунингдек, Гегель бугунги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланган қашшоқликни қандай тугатиш мумкин? – мазмунидаги саволга “Агар камбағалларни турмуш даражасини ушлаб туриш бадавлат табақалар зиммасига ёки, давлат муассасаларига, черков ёки монастирлар қарамоғига берилса, бу фуқаролик жамияти тамойилларига зиддир, аксинча уларнинг тирикчилиги уларни касб-корга эга қилиш орқали меҳнатга йўналтирилса улар камбағал эмас, балки ишлаб чиқарувчига айланади”, – дея жавоб беради. Бу бугунги ўзбек жамиятини ўйга толдираётган муаммоларга Гегелча ечимдир.

REFERENCES

1. G.W.F. Hegel, The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario,2001. page.153.
2. G.W.F. Hegel, The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario,2001. page.154.
3. Фахриддин Муҳитдинов, “Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси”, Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, Тошкент. 2007. 77-бет.
4. Фахриддин Муҳитдинов, “Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси”, Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, Тошкент. 2007. 84-бет.
5. Peter C. Hodgson.Shapes of Freedom. Hegel’s Philosophy of World History in Theological Perspective. Oxford University Press.2012. page.66.
6. G.W.F. Hegel, The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario,2001. page.173.
7. Alan Patten, Hegel's Idea of Freedom, Oxford University Press Inc., New York. 1999.page.183
8. G.W.F. Hegel, The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario,2001. page.194.